

МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ КАСБ ВА РЕЖАЛАРИ

Ибрагимов Абдималик Гаппарович

А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот

институти бўлим мудири, и.ф.н., доцент.

Тел: +99 897 110-72-70, E-mail:abdimalik1972@mail.ru

Мурадов Икром Турдибоевич

А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Тел: +99 895 002-50-90, E-mail:muradov_ikrom@mail.ru

Мурадова Феруза Абдуразак қизи

А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти таянч докторанти

Тел: +99 895 002-40-90, E-mail: feruzabonu_muradova@mail.ru

Аннотация:

Мамлакатимизда битирувчи ёшларнинг касб танлаши борасидаги қарорларини ўрганиш, жумладан уларнинг қайси йўналиш бўйича ўқишни давом эттириши ва қайси касбни танлаши, касбларни билиши ҳамда танлаши борасидаги фикрларини таҳлил қилиш бугунги кунда мактаб таълимининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: меҳнат муҳожирлари, битирувчилар, умумтаълим мактаблари, сўровнома, хорижда меҳнат қилиш, касблар, кириш имтиҳонлари.

Аннотация:

Изучение решений молодых людей, выпускающихся в нашей стране, о выборе профессии, в том числе анализ их мнения о том, в каком направлении продолжать обучение и какую профессию выбрать, знать и выбирать профессии, является одним из актуальных вопросов школьного образования на сегодняшний день.

Ключевые слова: Трудовые мигранты, выпускники, общеобразовательные школы, опрос, работа за границей, профессии, вступительные экзамены.

Annotation:

Studying the decisions of young people graduating in our country about choosing a profession, including analyzing their opinions about which direction to continue their studies and which profession to choose, to know and choose professions, is one of the urgent issues of school education today.

Keywords: migrant workers, graduates, secondary schools, survey, working abroad, professions, entrance exams.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни [1;1], Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси [3;1] ва Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳамда таълим тўғрисидаги бир қанча қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши таълим мазмунини тубдан ўзгартирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон қарори [4; 1] мактаб таълими тизимидаги ислохотларни янада такомиллаштириш ва илмий жиҳатдан қўллаб- қувватлаш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Расмий статистика асосида халқ таълими тизимида ягона давлат сиёсатига мос чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш, халқ таълими соҳасидаги муаммоларни таҳлил қилиш ва уларга ечим излаб топиш механизминини йўлга қўйиш, мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Шунингдек, мактаб таълими тизимида оид бўлган статистик ҳисоботларни тайёрлаш, дастурий таъминотга киритиш, йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва маълумотлар банкини яратиш ҳамда улар асосида соҳага доир турли статистик нашрлар, таҳлилий статистик маълумотларни тайёрлаш, халқ таълими тизимидаги статистикага оид муаммолар бўйича халқаро ва

республика миқёсида конференция, семинар ва давра суҳбатларида иштирок этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мақола илмий тадқиқотлар олиб борилишида, лойиҳалар ишлаб чиқилишида услубий-амалий манбаа сифатида мактаб таълими тизими ходимларининг статистика асослари, шунингдек, статистика фаолияти ва долзарб таҳлилий статистик маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириб бориш, узлуксиз таълимнинг бошқарув органлари, мактаб таълими муассасаларининг мутасаддилари ҳамда таълим соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ва қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Мақолада республикадаги барча умумтаълим муассасалари битирувчилари, уларнинг ҳошиш ва истаклари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Абдулла Авлоний айтганидек **«Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир».**

Статистик маълумотларга кўра, аҳолиси 35 миллиондан ортиқ бўлган Ўзбекистон фуқароларининг қарийб 5,8 миллион нафари меҳнат мигранти сифатида республикадан ташқарида доимо хорижда ишлайди. Деярли ҳар бешинчи “иқтисодий фаол” ўзбекистонлик меҳнат муҳожири ҳисобланади, уларнинг Меҳнат муҳожирилариининг катта қисми 80-85 фоизи 4465692 нафари Россия Федератсиясида иш фаолиятини олиб боради. Бундан ташқари, 2022 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистондан 3354 нафар фуқаро Қозоғистонга, 1123 нафари Туркияга, 826 нафари Жанубий Кореяга, яна 1574 нафари бошқа мамлакатларга иш учун чиқиб кетган.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаб битирувчилари сони 390 мингга яқинни ва 1-синф ўқувчилари эса 585 000 нафарни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида 10 йилдан сўнг битирувчилар сони 1,5 баробарга ортишини билдиради.

2020-2021 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 437,3 минг нафар 11-синф битирувчиларидан 109,3 минг (25%) нафари ОТМга кирган бўлса, ОТМга кирмаган битирувчилар сони 328,0 минг (75%) ташкил этди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Мамлакатимизда битирувчи ёшларнинг касб танлаши борасидаги қарорларини ўрганиш учун халқ таълими вазирлиги ишчи гуруҳи бевосита 900 та мактабга бориб педагоглар, ёшлар билан суҳбатлашди.



Битирувчилар билан суҳбат чоғида уларнинг қайси йўналиш бўйича ўқишни давом эттириши ва қайси касбни танлаши билан қизиқиб, касбларни билиш ва танлаш борасидаги фикрлари таҳлил қилинди.

Бундан ташқари илмий ёндашув асосида А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти, “Таълим менежменти ва статистикаси” илмий-тадқиқот бўлими томонидан телеграмдаги расмий каналлар орқали (<https://t.me/avloniyuz> ва https://t.me/raqamli_pedagogik_xizmatlar) “Битирувчиларнинг режалари аниқ(ми)?” мавзусида сўровнома ўтказилиб, тадқиқот олиб борилди. Ўтказилган сўровнома натижалари таҳлил қилиниб, статистик рақамлар билан эълон қилинди.


Ҳар иккала ёндашув асосида – бориб кўрганда ҳам сўровнома ўтказилганда ҳам хулосалар бир хил бўлди.

Сўровномада ҳам юқоридаги масала, “Агар сиз хорижда меҳнат қилишга кетишни режалаштирган бўлсангиз, нима сабабдан кетмоқчисиз?” деб сўралганда, уларнинг 37 фоизи

ўқишга қизиқиши борлиги, аммо моддий имконияти йўқлиги сабабли кетмоқчилигини айтган. 9 фоиз битирувчиларнинг ўқишга қизиқиши йўқлиги сабабли кетмоқчилиги маълум бўлди. Респондентларнинг 33 фоизи эса бу саволга аниқ жавоб бера олмаган.

Сўровнома ва олиб борилган тадқиқотдан маълум бўлдики, мамлакатимизда юздан ортиқ касб мавжуд бўлсада, битирувчилар бор-йўғи 20 га яқин касб ҳақида тасаввурга эга. Энг ачинарлиси, 18 та фан ўқитувчилари билан суҳбатлашилганда, уларнинг ўз соҳаси бўйича битирувчиларга берадиган тавсияси энг кўпи билан 5-6 та касбни ташкил этмоқда.

Маълумот учун: **Manpower Group** бандлик сўровига кўра [11;1], дунё бўйлаб энг кўп талаб қилинадиган 5 та – “ИТ дастурий таъминот муҳандиси”, “Савдо ва маркетинг”, “Операциялар ва логистика”, “Ишлаб чиқариш (тармоқлар бўйича)”, “Офисда мижозлар билан ишлаш” каби касб аниқланди.






Тадқиқот натижасида маълум бўлишича, 20,9 фоиз битирувчилар педагогика ва психология касбини танлаган, бу жами битирувчиларнинг 81500 нафарини ташкил этмоқда. Энг қуйи кўрсаткич ижодий соҳаларда эканлиги қайд этилган, яъни 1,4 фоиз. Ҳунарлар ичида энг баланд кўрсаткич ижтимоий хизмат соҳалари (сартарош,

тикувчи, косметолог ва бошқалар)да (3,7%), энг қуйи натижа эса фермерлик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва устачиликда (0,9%) эканлиги маълум бўлди. Натижалар 2021/2022 ўқув йилини тамомлаётган 11-синф битирувчиларининг 67 фоизи “Сизнинг бу йил 11-синфни битиргандан кейинги режаларингиз?” деган саволга аллақачон касб(соҳа)ларини танлаб қўйганини кўрсатмоқда. Аммо, келажаги ҳақида аниқ тасаввурга эга, деб ҳисобланган битирувчиларнинг кўпи касб-ҳунарлар ҳақида етарлича маълумотларга эга эмас. Ҳатто, жуда кўп касбларни билишмайди, яъни, меҳнат бозорида қайси касбга талаб юқори, қайси касбдан қанча даромад олиш мумкинлигига қизиқишмаган. 6 фоиз битирувчилар келажакни ҳозирдан режалаштиришга ҳали эрта деб ҳисоблашини ҳамда шахсий ҳаёт, оила қуришни режалаштираётганини таъкидлаган.

Бунинг натижасида меҳнат бозорида номутаносиблик юзага келмоқда. Шу сабабли мактаб дастурларига касблар ҳақида мавзулар, маълумотлар киритиш, юқори синф ўқувчиларини касбларга ўқитиш ишларини жадаллаштириш талаб этилади.

Сўровнома таҳлил қилинганда, “Кириш имтиҳонларига қай даражада



тайёргарлик кўрдингиз?”

деган

саволга битирувчиларнинг

44 фоизи кириш

имтиҳонларига

репетиторга бормасдан

ўзлари мустақил

тайёргарлик кўргани, 7

фоизи эса ўқиш нияти

йўқлигини маълум қилган.

“Сиз касб танлашда нимага

аҳамият бердингиз?”

саволига 57 фоиз

битирувчилар ўз истагига

кўра касб танлаётганлиги

аниқланди. 6 фоиз

ёшлар ўзларини тўғри келган касб(соҳа)да синаб кўрмоқчилигини маълум қилган.

Ҳозирги вақтда республика мактабларида фанлар (23 та) бўйича педагог кадрларга бўлган эҳтиёж 6200 нафарга яқин. Битирувчиларнинг 57 фоизи “Ўз истагига кўра” касб танлаётганликларини инобатга олиб, уларга юздан ортиқ мавжуд касблар ҳақида батафсил йўналишлар, видеороликлар, ёшлар фаол бўлган сайтлар, каналларда маълумотлар тақдим этилса, уларнинг қизиқишлари ортади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон охириги 5-6 йилда ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши ва ўрганишига, меҳнат миграциясига нисбатан ўз муносабатини тубдан ўзгартирди ва мухожирларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссасини эътироф этди. Шундан кейин мамлакат раҳбарияти томонидан ёшлар хусусан, меҳнат мигрантларининг касб-ҳунар ўрганишига, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Албатта, Ўзбекистон учун меҳнат бозори муҳим саналади. Ушбу бозорда ўз ўрнини эгаллаш ва ўз меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш-республика аҳолисининг бугунги ўсиш суръатида зарур қадамлардан саналади.

Бизнингча, бугунги кунда ёшларга касб-хунар ўрганиш ва етук мутахассислар бўлиб этишишларида янги йўналишлар очиш ва миграция каналларини бошқа мамлакатлар, айниқса, ривожланган мамлакатлар бўйича кенгайтириш асосий ва стратегик вазифалар ҳисобланади.

Натижада республикамизда янги ташкил этилган, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликларга чет элликларни жалб қилиш ва унга бир неча баробар юқори маош тўлашга сабаб қолмас эди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон қарори.
5. Н. М. Соатов. Статистика. Дарслик. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. — 744 бет.
6. А.Раджиев, Ф.Каримов, А.Ибрагимов. ТАЛИС-2018 Халқаро тадқиқотлари талаблари асосида ўтказилган сўровнома ва тадқиқот ҳисоботининг маълумотлар тўплами. 2-қисм. Тошкент-2022. 119 бет.
7. TALIS – The OECD Teaching and Learning International Survey // OECD – <https://www.oecd.org/yeducation/talis/>.
8. <https://lex.uz/docs/-4749364>
9. <https://t.me/avlonyuz>
10. https://t.me/raqamli_pedagogik_xizmatlar
11. www.google.com.